
Нуронийлар маскани фойдаланишга топширилди

"Чиркай" маҳалла фуқаролар йиғинида яна бир муҳташам бино, "Нуронийлар маскани" ҳамда "Тиббиёт пункти" фойдаланишга топширилди.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан 100 млн ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 70 млн сўм эвазига мазкур бино барпо этилди.

Эндиликда мазкур бино Чиркай аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишига хизмат қилади. Олиб борилган бу каби эзгу ишлардан тўлқинланган кексаю-ёш халқимиз вакиллари аввало Давлат раҳбари ва ўз ҳиссасини қўшган барчага ўз миннатдорчилигини билдириб, дуога қўл очдишди.











2023-12-08 19:53:17